

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ИЖРОЧИЛАРГА
ЕТКАЗИЛИШИ ҲАМДА МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИНИНГ АҲОЛИ
ЎРТАСИДА ТУШУНТИРИЛИШИ ЮЗАСИДАН НАМУНАВИЙ ЧОРА-
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 3 мартда
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2866]**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 10-сон, 150-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги ПҚ-2761-сон «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [қарорига](#) мувофиқ буюраман:

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан намунавий чора-тадбирлар режаси [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолияти соҳаларига оид қабул қилинган қонун ҳужжатларини ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича, улар қабул қилинганидан кейин 1 ҳафта муддат ичида ўз марказий аппаратлари ва ҳудудий органларининг режаларини тасдиқласин, уларнинг амалга оширилишини таъминласин ҳамда доимий назоратни амалга оширсин.

4. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси (А. Очилов):

мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин;

бир кунлик муддатда мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига етказсин;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тегишли ахборот-таҳлилий материаллари асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларини ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича чора-тадбирлар режасининг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиб борсин ва назоратни амалга оширсин;

зарур ҳолларда, чора-тадбирлар режаси амалга оширилишини мониторинг қилиш натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг масъулларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик чораларини кўриш ҳақида тегишли таклифларни киритсин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклатилсин.

Вазир М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 3 март,
46-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 3 мартдаги 46-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(давлат органи ёки ташкилот раҳбари)

20__ йил «__» _____

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятинининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан намунавий чора-тадбирлар РЕЖАСИ

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
1.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот-таҳлилий материаллар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартириш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали)ни тизимдаги барча идораларга электрон шаклда юбориш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат келиб тушган куни	Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан кейин, унинг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган давлат бошқаруви органи
2.	Қабул қилинган қонун ҳужжатларини ўз расмий веб сайтларига жойлаштириш.	Бир кун ичида	Давлат бошқаруви органи
3.	Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари учунмарказий ва ҳудудий матбуот анжуманларини ўтказиш.	Икки кун ичида	Давлат бошқаруви органи
4.	Давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳудудий идораларида «Ҳуқуқий билимлар»	Ҳар ҳафтанинг жума куни	Давлат бошқаруви органи

	Ўқув машғулотларини жорий этиш, малакали мутахассислар, олимлар, экспертларни жалб этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ахборот-таҳлилий материалларнинг ўқиб ўрганилишини ташкил этиш.		
5.	Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин унинг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган давлат бошқаруви органи томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсади, мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича ҳудудий ва республика, ҳуқуқий тарғибот гуруҳларини шакллантириш ва тасдиқлаш.	3 кун ичида	Давлат бошқаруви органи
6.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақсади, мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш бўйича конференция, семинар, давра суҳбатларининг Концепцияси, дастури ва календарь режасини тайёрлаш ва тасдиқлаш.	3 кун ичида	Давлат бошқаруви органи
7.	Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари орқали етказиш, бунда мустақил экспертлар, мутахассислар ва аҳолининг фикри ва муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоулар, мунозаралар, баҳслар ҳамда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини кенг муҳокама қилишнинг бошқа замонавий шакллари назарда тутувчи медиа-режа ишлаб чиқиш адлия органлари билан келишиш ва тасдиқлаш.	Бир ҳафтада	Давлат бошқаруви органи
8.	Қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини ижрочиларга етказиш ва аҳолига тушунтириш бўйича рисолалар ва уларнинг электрон нусхаларини тайёрлаш ҳамда тарқатиш.	Икки ҳафта ичида	Давлат бошқаруви органи
9.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган материаллар тайёрлаш, унинг матнини рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиш,	Икки ҳафта ичида	Давлат бошқаруви органи

	кенг фойдаланувчилар учун « Жаҳон » ахборот агентлигига етказиш.		
10.	Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мақсади, мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган мақола, материал ва экспертларнинг шарҳларини «uz» доменида давлат рўйхатига олинган веб-сайтларда жойлаштириш.	Бир ҳафта ичида	Давлат бошқаруви органи
11.	Тарғибот тадбирларида аҳоли томонидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифларни ўрганиш, умумлаштириш ва тегишлилиги бўйича киритиш (зарур ҳолларда, белгиланган тартибда ижтимоий сўровлар ўтказиш).	Доимий	Давлат бошқаруви органи
12.	Қабул қилинган қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш.	Доимий	Давлат бошқаруви органи
13.	Мазкур чора-тадбирлар ижросини мониторинг қилиш, умумлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ахборот киритиб бориш.	Ҳар чоракда	Давлат бошқаруви органи

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ ФАОЛИЯТИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 10-сон, 144-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони фаолиятини янада такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш ва тузилмасини мақбуллаштириш, шунингдек унинг таркибий тузилмалари вазифалари ва функцияларидаги такрорланишларни бартараф этиш, уларни ажратиш ва аниқлаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатлари амалга оширилишини таъминлаш;

аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кадрларга оид давлат сиёсатини, шунингдек давлат мукофотлари ва геральдика соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш;

давлатнинг ички ва ташқи сиёсати асосий йўналишларини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини муҳофаза қилиш, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг баҳамжихат ишлашини таъминлашда кўмаклашиш;

мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишини таъминлашда кўмаклашиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, уларга ўз уставларида белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга оширишларига тенг имкониятлар ва шароитлар яратилиши кафолатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан уларнинг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдаги ролини ошириш борасида самарали ҳамкорлик қилиш;

давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳолати ҳамда тенденциясини таҳлил қилиш, унинг натижалари бўйича самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсатини ўтказиш, илм-фанни, маданиятни, таълимни, соғлиқни сақлашни, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тузилмаларнинг, шунингдек унинг ваколатларини амалга оширишга кўмаклашувчи маслаҳат ва кенгаш органларининг фаолиятини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ҳамда протокол жиҳатидан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг ижросини ташкил этиш ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Олий Мажлис, сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш хизмати ҳамда Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизматининг тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг юридик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони тегишли хизматларининг жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти масалалари бўйича, ёшларга доир сиёсат бўйича, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ишлаш бўйича, миллатлараро муносабатлар ва дин ишлари масалалари бўйича шўъбалари негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизмати ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Оммавий ахборот воситалари, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизмати Оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат,

маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизмати этиб қайта ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тугатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг янгиланган низоми ва тузилмаси [1](#) ва [2-иловаларга](#) мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг таркибий тузилмалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати ва Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати билан биргаликда бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таркибий бўлинмаларининг янгиланган низомлари ва тузилмалари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг хизматларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тузилмаларни, шунингдек унинг ваколатларини амалга оширишга кўмаклашувчи маслаҳат ва кенгаш органларини [3-иловага](#) мувофиқ бириктириш ҳақидаги таклифга розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг хизматлари ўзларига бириктирилган маслаҳат, кенгаш органлари ҳамда бошқа тузилмалар фаолияти самарали ташкил этилишини, ҳамкорлигини ва мувофиқлаштириб борилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг хизматлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, киритиш, кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг хизматлари билан келишишнинг аниқ тартиби ва муддатларини, уларнинг ижросини назорат қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошқа ваколатларини амалга ошириш механизмларини назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламентини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси [22-бандида](#) кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини амалга оширишнинг аниқ механизмларини назарда тутувчи Сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин;

Ташкилий-кадрлар хизмати билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг низоми ва таркибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг хизматлари билан биргаликда Хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг хизматлари билан махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахсларнинг тоифасини кескин камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва киритсин. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви

органлари раҳбарларига ушбу масалада кўпроқ эркинлик бериш ва масъулиятини ошириш назарда тутилсин.

8. 2017 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг штатдаги ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июндаги Ф-1561-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши аппарати штатдаги ходимларининг лавозим маошларига ойлик устама ҳақлар тўғрисида»ги фармойиши амал қилиниши татбиқ этилсин.

9. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бошқарув ходимлари учун аввалги иш жойида берилган узоқ муддатли хизматлари, ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун қўшимча тўлов ва устамалар сақлаб қолинади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонларни олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида ишланган даврда ҳарбий ва махсус унвонларни бериш тегишли ҳарбий ва махсус унвонларни олиш учун зарур бўлган вақт ўтгандан сўнг аввалги иш жойида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли таркибий тузилмаси раҳбарининг тавсияномаси асосида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бошқарув ходимлари аввалги иш жойида ходимлар учун белгиланган барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чораларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида амалда бўлган меҳнат шароитларини ҳисобга олган ва лавозим маоши ҳамда бошқа тўловлар сақланган ҳолда, фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бошқарув ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти девонидаги меҳнат фаолияти тугатилгандан сўнг аввалги иш жойида эгаллаган лавозими ёки шунга тенг лавозим тақдим этилади, бундан ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолайиқ бўлиб қолганлиги ёхуд меҳнат вазифаларини бузганлиги учун меҳнат фаолияти тугатилган ҳоллар мустасно.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари [4-иловага](#) мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 март,
ПФ-4974-сон

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг асосий вазифалари, фаолияти йўналишлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони (бундан буён матнда Девон деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ахборот-таҳлил ва ташкилий-назорат органи ҳисобланади.

2. Девон Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади, Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва бевосита унга ҳисобдордир.

3. Девон ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

4. Девон ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Девоннинг асосий вазифалари

5. Девоннинг асосий вазифалари қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатлари амалга оширилишини таъминлаш;

аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кадрларга оид давлат сиёсатини, шунингдек давлат мукофотлари ва геральдика соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш;

давлатнинг ички ва ташқи сиёсати асосий йўналишларини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини муҳофаза қилиш, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг баҳамжихат ишлашини таъминлашда кўмаклашиш;

мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси](#) ва қонунларига риоя этилишини таъминлашда кўмаклашиш;

нодавлат ноижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, уларга ўз уставларида белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга оширишларига тенг имкониятлар ва шароитлар яратилиши кафолатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан уларнинг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдаги ролини ошириш борасида самарали ҳамкорлик қилиш;

давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳолати ҳамда тенденциясини таҳлил қилиш, унинг натижалари бўйича самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсатини ўтказиш, илм-фанни, маданиятни, таълимни, соғлиқни сақлашни, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тузилмаларнинг, шунингдек унинг ваколатларини амалга оширишга кўмаклашувчи маслаҳат ва кенгаш органларининг фаолиятини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ҳамда протокол жиҳатидан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг ижросини ташкил этиш ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш.

Девон юклатилган вазифаларни ўзининг таркибий тузилмалари орқали ҳал этади.

III. Девон тузилмаси

6. Девон таркибига қуйидагилар киради:

Ташкилий-кадрлар хизмати;

Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати;

Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизмати;

Оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизмати;

Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизмати;

Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари хизмати;

Ишлар бошқармаси;

Ижро этувчи аппарат.

Девон таркибига, шунингдек асосий вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарори билан белгиланадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ҳам киради.

IV. Девон таркибий тузилмалари фаолиятининг асосий йўналишлари

7. Ташкилий-кадрлар хизмати:

кадрларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларни шакллантириш, давлат хизмати институтини такомиллаштириш ва маъмурий ислохотларни амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Девон номенклатурасига кирувчи кадрларни (бундан буён матнда бошқарув кадрлари деб юритилади) танлаш, жой-жойига қўйиш, лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, шунингдек ушбу лавозимларга кадрлар захирасини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширади;

давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг бошқарув кадрлари фаолияти самарадорлиги мониторингини ўтказди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, шунингдек бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бошқа муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиради ва йўналтиради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш бўйича конституциявий ваколатларини амалга оширилишига кўмаклашади, геральдика соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритилишини таъминлайди.

8. Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий масалалар бўйича фаолиятини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги конституциявий ваколатларини амалга оширилишига кўмаклашади;

қонунчилик нормаларининг ижро этилиши амалиётини жойларга чиққан ҳолда таҳлил қилиниши ва ўрганилишини ташкил этади, унинг натижалари бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

парламент, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан самарали ҳамкорликни таъминлайди;

суд ҳокимияти органларининг мустақиллиги, эркинлигини янада мустаҳкамлаш, унинг инсон, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминлашда мавқеини ошириш бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президентини мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш ахволи тўғрисида хабардор қилади;

адлия органлари, прокуратура ва ички ишлар органларининг уларга юклатилган вазифаларни бажарилиши бўйича фаолиятларини самарали мувофиқлаштиришни таъминлайди, улар фаолиятининг тизимли мониторингини ўтказиши, улар томонидан ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик ва уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоратadbирларни кўради;

судларда, адлия, прокуратура ва ички ишлар органларида кадрларга оид давлат сиёсатини ўтказилишини таъминлайди, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича чоратadbирларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, сиёсий бошпана бериш, амнистия, Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан судланган шахсларни афв этишга оид масалаларига доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатларини амалга оширилишини таъминлайди.

9. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек туман ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналари (бундан буён матнда Халқ қабулхоналари деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси фаолиятини самарали ташкил этади ва мувофиқлаштиради, шунингдек уларнинг фаолиятини меъёрий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди;

давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён матнда мурожаатлар деб юритилади) билан ишлаш борасидаги фаолиятини, шу жумладан жойларга сайёр чиқишларни ташкил этиши ҳамда келиб тушаётган мурожаатлар бўйича тезкорлик

билан тегишли чора-тадбирларни кўриш орқали назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

Халқ қабулхоналарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиниши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга оширади;

мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, айбдор шахслар жавобгарлигининг муқаррарлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

муурожаатларга асос бўлган тизимли қонун бузилишларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш юзасидан доимий таҳлиллар ўтказилади, муурожаатларни кўриб чиқишда аниқланган тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчилиқни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

муурожаатлар билан ишлашни янада такомиллаштириш, фуқаролар билан очиқ мулоқотни кенгайтириш, аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

10. Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизмати:

мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳолати ва тенденциясининг чуқур ва комплекс таҳлилинини, макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси, иқтисодиёт, унинг тармоқлари, ижтимоий соҳа ва республика ҳудудларида сифат кўрсаткичларининг тизимли мониторингини амалга оширади;

макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини сақлаб қолишга, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштиришга, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилишга йўналтирилган иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, иқтисодиёт тармоқларида институционал ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

иқтисодиётда давлат иштироки даражасини стратегик ва иқтисодий жиҳатдан асосланган миқдорларгача қисқартириш, хусусийлаштириш ва акциялаштириш, хусусий мулкнинг устувор мавқеини таъминлаш, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва фонд бозорини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишини мувофиқлаштиради;

иқтисодиётнинг реал соҳаларини диверсификациялаш, модернизация қилиш ва техник янгилаш, хом ашёни тўлиқ қайта ишлаш ҳамда рақобатдош, ички ва ташқи бозорларда талабгир бўлган, юқори кўшилган қийматга эга, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, импорт ўрнини босиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни чуқур маҳаллийлаштириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал янгилаш бўйича мақсадли дастурларни ҳамда инвестиция дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштиради;

инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, хорижий, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш, апробация қилинган илғор хорижий технологияларни жорий этиш, халқаро молия институтлари, нуфузли

хорижий компаниялар ва банклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ташқи савдо айланмаси мутаносиблигини мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва республика худудларининг экспорт салоҳиятини ошириш ва ундан максимал фойдаланиш, экспорт таркиби ва географиясини янада диверсификациялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг табиий ва иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, минтакалар иқтисодиётини изчил ривожлантириш ва модернизациялашни таъминлаш, унинг таркибини диверсификациялаш ва мавжуд номутаносибликни бартараф этиш, маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини мустаҳкамлаш, аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартириш, қулай уй-жой қуриш, шу асосда шаҳар ва қишлоқ жойларда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради;

молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш, инвестиция жараёнлари ва тадбиркорликка молиявий кўмак кўрсатишда банкларнинг ролини ошириш, банкдан ташқари молия институтлари ва молия бозори инфратузилмасини кенг ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради;

ижтимоий сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги ишлар аҳолининг моддий фаровонлиги ва энг муҳим эҳтиёжларининг қондирилиши даражасини, зарур ҳолларда, жойларга чиққан ҳолда тизимли таҳлили ва ўрганилишини амалга оширади, аҳоли бандлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлиги ва манзилли бўлишини кучайтириш ҳамда шу асосда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради.

11. Оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизмати:

Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолияти, давлат раҳбарининг олий даражадаги учрашувлари ва расмий қабуллари миллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларида холис, сифатли ва тезкор ёритилишини таъминлайди, халқаро ва етакчи миллий эксперт-таҳлил муассасаларнинг вакиллари иштирокидаги матбуот-конференция, интервью ва бошқа тадбирларни ташкиллаштиради, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ва мамлакатимиз бўйича ташрифларини юксак даражада ёритиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

оммавий ахборот воситаларининг давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш ва очик фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ролини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятлар, анъана ва урф-одатларни асраш, ёш авлоднинг қалби ва онгида Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқатни чуқур сингдириш, уларни истиқлолимизга, мамлакатимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига хавф солувчи турли ахборот ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон халқининг маданий меросини сақлаш ва кўпайтириш, аҳолининг маданий ва эстетик талабларини қаноатлантириш, театр, кинематография, мусиқа, хореография, эстрада, тасвирий санъат, цирк, халқ амалий санъат ҳамда санъатнинг бошқа йўналишларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

мамлакатнинг ижодий ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, ижодкор зиёлилар — адабиёт, маданият ва санъат арбобларини миллий мустақиллигимиз ғояларини кенг тарғиб этиш, маънавият ва маърифат соҳасидаги ишларга фаол жалб қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъруза ва чиқишлари, табрик ва хатлари лойиҳаларини тайёрлашни ташкил қилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги муҳим саналар муносабати билан юбилей фото-альбомлари ва китоблари чоп этилишини таъминлайди.

12. Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизмати:

нодавлат ноижорат ташкилотларининг ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини қуришдаги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

қатъий ҳаётий позиция ва мустаҳкам маънавий иммунитетга эга бўлган, жамият ҳаётида муносиб ўринни эгаллашга ва мамлакатимизнинг ҳал этувчи кучи ва таянчи бўлишга қодир баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

маҳалла институтини, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларни янада такомиллаштириш, фуқаролар йиғинларининг халқ билан мулоқот қилишда, жамоатчилик назоратини амалга оширишда, оилалар ва маҳаллаларда маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда, ёшларни тарбиялашда, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг бошқа долзарб масалаларини ҳал қилишдаги роли ва аҳамиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;

миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, Ўзбекистон Республикасидаги турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади, давлат органларининг миллий маданий марказлар ва Дўстлик жамиятлари кенгаши билан самарали ҳамкорлигини таъминлайди;

мамлакатимиздаги диний вазиятни, виждон ва эътиқод эркинлиги бўйича қонунчиликка риоя этилишининг тизимли мониторингини амалга оширади, жамиятда диний бағрикенглик муҳитини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади, диний-маърифий меросни сақлаш, диний экстремизм ғоялари ва миссионерлик фаолиятининг тарқалишига қарши кураш ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

13. Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари хизмати:

таълимнинг узлуксизлигини таъминлашга ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалда самарали ижро этилиши бўйича ишларни ташкил қилади;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари, замонавий фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда илм-фанни ривожлантириш ва илмий-техник тараққиётнинг устувор йўналишларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини иқтисодиёт, ижтимоий, таълим ва бошқа амалий фаолият соҳаларига жорий қилишни кенгайтириш, илмий кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминлайди;

соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, Олимпия ўйинларида, жаҳон биринчиликларида, Осиё чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон терма жамоалари спортчиларининг натижадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

14. Ишлар бошқармаси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида ўтказиладиган тадбирларни молиявий, моддий-техник ва бошқа жиҳатлардан таъминлайди, шунингдек Девон фаолиятини моддий-техника жиҳатидан таъминлашни амалга оширади;

Девонда иш юритишни ташкил этади;

Девон фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилишини таъминлайди;

Ишлар бошқармаси бўйсунувидаги таркибий бўлинмаларга раҳбарлик қилади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, Ишлар бошқармасига қарашли бўлган бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни талаб даражасида сақлайди.

15. Ижро этувчи аппарат:

Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятини ташкилий-техникавий, ахборот-таҳлилий ҳамда протокол жиҳатидан таъминлашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериш учун тушаётган ёзишмалар, маълумотлар, таҳлилий ва бошқа материалларни қайта ишлаш, тизимлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайди, шунингдек, улар бўйича берилган топшириқларнинг бажарилишини назорат қилади;

мамлакатни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, шунингдек, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар ва маърузалар тайёрланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида ўтказиладиган йиғилиш ва музокараларга оид, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлари ва аъзоларининг, хўжалик бирлашмаларининг, барча даражадаги ҳокимларнинг ҳисоботларини эшитишга доир маълумотларни тайёрлаш ишларини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланадиган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номига юбориладиган табрик хатлари ва телеграммалар лойиҳаларини тайёрлашни таъминлайди.

16. Девоннинг таркибий тузилмалари улар тўғрисидаги низомларга мувофиқ бошқа вазифа ва функцияларни амалга оширади.

V. Девоннинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

17. Девон ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлардан кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни сўраш ҳамда олиш;

зарурат бўлганда, ахборот-таҳлилий материаллар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассисларини жалб қилиш, шу мақсадларда ишчи комиссиялар ва гуруҳлар тузиш;

қонунчиликка мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар фаолиятини улар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари бажарилиши ҳолатини ўрганиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарларига ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича материалларни аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун юбориш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлардан улар томонидан киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарларига Девонга юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар мажлисларида қатнашиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш.

Девоннинг таркибий тузилмалари қонунчиликка ва улар тўғрисидаги низомларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Девоннинг таркибий тузилмалари қуйидагилар бўйича жавобгар ҳисобланади:

ўзларига юклатилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш;

Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф ва масалаларни киритишда уларнинг эксперт жиҳатдан сифатли ишланишини ташкиллаштириш, миллий ва давлат манфаатларини таъминлаш;

ижро интизомини таъминлаш.

VI. Девон фаолиятини ташкил қилиш

19. Девоннинг иш фаолияти мазкур Низом, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек, Девон таркибий тузилмаларининг иш режалари асосида ташкил қилинади.

20. Девон ва унинг бўлинмалари тузилмалари, Девон ва унинг бўлинмалари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

21. Девоннинг бошқарув ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ёрдамчи ходимлар Девоннинг Ишлар бошқарувчиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Девон ходимларининг функционал мажбуриятлари Девоннинг тегишли тузилмалари раҳбарлари томонидан белгиланади.

22. Девон ходимлари учун аввалги иш жойида берилган узоқ муддатли хизматлари, ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун қўшимча тўлов ва устамалар сақлаб қолинади.

Девон ходимлари аввалги иш жойида ходимлар учун белгиланган барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чораларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида амалда бўлган меҳнат шароитларини ҳисобга олган ва лавозим маоши ҳамда бошқа тўловлар сақланган ҳолда, фойдаланади.

Девонда ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонларни олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

Девонда ишланган даврда ҳарбий ва махсус унвонларни бериш тегишли ҳарбий ва махсус унвонларни олиш учун зарур бўлган вақт ўтгандан сўнг аввалги иш жойида белгиланган тартибда Девоннинг тегишли таркибий тузилмаси раҳбарининг тавсияномаси асосида амалга оширилади.

Девон ходимларига уларнинг меҳнат фаолияти тугатилгандан сўнг, аввалги иш жойида эгаллаган лавозими ёки шунга тенг лавозим тақдим этилиши кафолатлари таъминланади, бундан ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолганлиги ёхуд меҳнат вазифаларини бузганлиги учун меҳнат фаолияти тугатилган ҳоллар мустасно.

23. Девон юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга.

Девоннинг юридик манзили: Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 6 уй.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ТУЗИЛМАСИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тузилмалар, шунингдек
унинг ваколатларини амалга оширишга кўмаклашувчи маслаҳат ва кенгаш
органлари**

РЎЙХАТИ

Т/р	Тузилмалар номи	Масъул Хизмат
1.	Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш Жамғармасининг Васийлик кенгаши (Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бошчилик қилинади)	Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизмати.
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати.
3.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси	Ташкилий-кадрлар хизмати.
4.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия	Ташкилий-кадрлар хизмати.
5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти	Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати.
6.	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши	Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати.
7.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича комиссия	Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати.
8.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари бўйича комиссия	Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати.
9.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагоглар ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси	Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари хизмати.
10.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича кенгаш	Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари хизмати. ОАВ, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш хизмати.
11.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Нихол» мукофоти Республика кенгаши	ОАВ, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш хизмати.

12.	Мустақиллик куни ва Наврўз умумхалқ байрамларини ташкил этиш бўйича Республика комиссияси	ОАВ, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш хизмати.
13.	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси	ОАВ, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги ПФ-4974-сонли [Фармони](#)га
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган баъзи қарорлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 мартдаги ПФ-4295-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг низоми ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 сентябрдаги Ф-895-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш тўғрисида»ги [фармойиши](#).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 13 мартдаги Ф-1924-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида»ги [фармойиши](#).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 31 майдаги Ф-1965-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвестициялар бўйича маслаҳат кенгашини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги [фармойиши](#).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартдаги Ф-3630-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [фармойиши](#).